

Апелляция инстанцияси суди томонидан судланувчига охирги сўз берилмаслиги жиноят-процессуал қонуни нормасининг жиддий бузилиши ҳисобланади ва иш юзасидан чиқарилган суд ажримининг бекор қилинишига асос бўлади

Жиноят ишлари бўйича Сиёб туман судининг 2004 йил 17 январдаги ҳукмига асосан И. ЖК 189-моддаси 3-қисми билан жарима жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра И. жуда кўп миқдордаги- 15.207.734 сўм нақд пулни назорат касса машинасидан ўтказмаганликда, товар операциялари ва даромадларини яшириш мақсадида 9.678.000 сўмлик товарни ҳисоб дафтарига киритмасдан, савдо қоидаларини бузганликда айбдор деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 11 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раёсати 2004 йил 14 декабрь куни қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирди.

Биринчи ва апелляция инстанциялари судлари ушбу иш бўйича И.ни жиноий жавобгарликка тортиш учун аҳамиятга эга бўлган бир қатор ҳолатларни ҳар томонлама, холисона ва синчковлик билан текшириб чиқишмаган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди иш бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 497¹²-моддаси 2-қисми талаби бузилишига йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 21-бандида қонунга мувофиқ судланувчига охирги сўз берилмаслиги судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланиши ва суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлиши таъкидланган.

187-04-сонли қарор